

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

16-сон
(256)
2007 й.
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

—

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

163. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ташкилий тузилмасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 13 апрелдаги ПКҚ-621-сон қарори

Учинчи бўлим

164. «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 апрелдаги 78-сон қарори

Бешинчи бўлим

165. «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 23 мартдаги М-25-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 апрелда 402-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
166. «Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги махсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2007 йил 16 мартдаги 01-02/20-9, ЭГ-01/10-1447, П-2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 апрелда 1674-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
167. «Биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 7 мартдаги 01/19-18/07-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 апрелда 1241-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
168. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 13 мартдаги 30, 288-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 апрелда 1675-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
169. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 19 апрелдаги 73-мх-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 апрелда 376-1, 617-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 14 апрелдан 20 апрелгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ****163 Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ташкилий тузилмасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозими тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ташкилий тузилмасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2006 йил 1 декабрдаги ПҚ–520-сонли қарорининг иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Шамшиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 13 апрель,
ПҚ–621-сон

— 4 —



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 333 киши, шундан бошқарув ходимлари — 286 киши.

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****164 Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар ки-
ритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурининг 5.2-банди бажариш юзасидан ҳамда никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва С.Т. Иномова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 апрель,
78-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 17 апрелдаги 78-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сон
қарори билан тасдиқланган Никоҳланувчи шахсларни тиббий
кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандга «50 ёшдан катта шахсларнинг никоҳини рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, ушбу шахслар тиббий кўриқдан фақат уларнинг розилигига кўра ўтказилади» сўзлари қўшилсин.

2. 5-бандда:

«яшаш жойидаги» сўзлари «доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Тиббий кўрикдан ўтказиш учун берилган йўлланмалар ФХДЁ органларида никоҳ тузиш тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарида қайд этилади».

3. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги натижалари тўғрисида тиббиёт муассасасининг хулосаси маълумотномада акс эттирилади. Маълумотнома тиббиёт муассасасининг муҳри ва раҳбарининг имзоси билан тасдиқланади (мазкур Низомга 3-илова) ҳамда алоҳида дафтарда рўйхатдан ўтказилади, дафтар белгиланган муддат мобайнида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг архивида сақланади. Маълумотноманинг амал қилиш муддати — уч ой.

Тиббиёт муассасасининг масъул ходими тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича маълумотнома беришда никоҳланувчи шахсга аниқланган касалликларнинг никоҳ тузилгандан кейин юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини тушунтиради. Тиббий кўрикдан ўтган шахс ўтказилган тушунтириш тўғрисида Маълумотномаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарига имзо қўяди».

4. 29-бандга «никоҳ тузилишига» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида назарда тутилган» сўзлари қўшилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

**165 Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида-
ги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
14 апрелда 402-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 24 апрелдан кучга киради)

Амалда бўлган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқ-
номага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1998 йил 7 январдаги
8004-1-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томони-
дан 1998 йил 7 январда 32/01-сон билан тасдиқланган «Меҳнат дафтарчаларини
юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (1998 йил 29 январь, рўйхат рақами
402) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-
тидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 23 март,
М-25-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил
23 мартдаги М-25-сон буйруғига
ИЛОВА

**Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1.3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳар бир корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, лекин штат жадвалида на-
зарда тутилган ходимлар сонидан ошмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари сотиб олиш
ҳуқуқига эга.

Меҳнат дафтарчалари ва меҳнат дафтарчаларига қўшимча варақлар корхона-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

лар томонидан маҳаллий меҳнат органларидан олди-сотди шартномаси асосида сотиб олинади. Меҳнат дафтарчаларини бошқача тартибда сотиш, шунингдек, фуқаролар томонидан меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш тақиқланади.

Меҳнат дафтарчалари ва меҳнат дафтарчаларига қўшимча варақларни сотиб олиш шартномасини тузиш учун корхоналар маҳаллий меҳнат органларига ёзма мурожаат қилишлари лозим. Ёзма мурожаатда штат жадвали бўйича ходимлар сони, вакант лавозимлар (жойлар) сони, шунингдек, меҳнат дафтарчаси (меҳнат дафтарчаси дубликати) ёки меҳнат дафтарчасига қўшимча варақ берилиши лозим бўлган ходимлар тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

Меҳнат дафтарчаси ва меҳнат дафтарчасига қўшимча варақларни корхоналар томонидан қайта сотишга ёки бошқача тартибда бегоналаштирилишига йўл қўйилмайди.».

2. VI-бўлим қуйидаги таҳрирдаги 6.3-банд билан тўлдирилсин:

«Мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда шартнома бўйича меҳнат дафтарчалари, меҳнат дафтарчасига қўшимча варақлари сотиб олган корхоналар бундай шартнома тузилганидан кейин бир ойдан кечикмасдан улар мақсадли ишлатилганлиги тўғрисида меҳнат органларига маълумот тақдим қилишлари лозим. Маълумот меҳнат дафтарчалари, меҳнат дафтарчасига қўшимча варақлари берилган (юритилган) ходимлар тўғрисида маълумотлар, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ реквизицталари кўрсатилган ҳолда эркин шаклда берилади.

Корхона тузилган меҳнат шартномаси асосида белгиланган тартибда фақат ишга қабул қилинган ходимларга меҳнат дафтарчаси бериши шарт. Бегона шахсларга меҳнат дафтарчаси бериш тақиқланади.».

3. VII-бўлим қуйидаги таҳрирдаги 7.3-банд билан тўлдирилсин:

«Меҳнат дафтарчалари, меҳнат дафтарчасига қўшимча варақларни сотиб олиш, ҳисоботини олиб бориш ва тасарруф этиш тартибига риоя қилишни назорат қилиш маҳаллий меҳнат органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.».

4. VIII-бўлимнинг номи ҳамда биринчи хатбошидаги «юритиш» сўзларидан кейин «сотиб олиш, ҳисоботни олиб бориш ва фойдаланиш» сўзлари билан тўлдирилсин.

5. Ушбу Йўриқномага киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Кенгаши билан келишилган.

*Касаба уюшмалари
Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

*Тошкент ш.,
2007 йил 23 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

166 Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва
Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича
2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид битим дои-
расида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали
олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
14 апрелда 1674-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 24 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қону-
нининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Рес-
публикасининг Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларида геология-
қидирув ишларини ўтказиш, конларни ишлатиш ва углеводородларни кавлаб олиш
бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 16 январдаги ПҚ-567-сон қарорига
мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий
алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Уст-
юрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақси-
мотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб
ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви Қоидалари тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-
дан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб «ЎзПЕК Лимитед» компанияси
ва унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона че-
гараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидала-
рини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор (2001 йил 30 июль, рўйхат рақами 1057 — Нор-
матив ҳужжатларининг ахборотномаси, 2001 й., 14-сон) ўз кучини йўқотган деб
топилсин.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 16 март,
01-02/20-9-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 16 март,
ЭГ-01/10-1447-сон

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори**

Р. БУРИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 16 март,
П-2-сон

Давлат божхона қўмитаси, Ташқи
иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва
савдо вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаш-
тириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлигининг 2007 йил 16 мартдаги
01-02/20-9, ЭГ-01/10-1447, П-2-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

— **Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт
минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги
маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон
Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган
товарларнинг божхона расмийлаштируви
ҚОИДАЛАРИ** +

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 2-сон, 36-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда; 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 5-сон, 67-модда; 2005 й., 1-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси, 2006 й., 4-сон, 154-модда; 10-сон, 536-модда), «Ер ости бойликлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1994 й., 10-сон, 252-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 9-сон, 181-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда), «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»-ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2002 й., 1-сон, 13-модда) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларида геология-қидирув ишларини ўтказиш, углеводород конларини очиш ва қазиб чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 январдаги ПҚ-567-сон қарори билан маъқулланган 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича маҳсулот тақсимотига оид битимга асосан ушбу Битим доирасида божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви ва божхона назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларни қўллаш мақсадида қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

МТБ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларида геология-қидирув ишларини ўтказиш, углеводород конларини очиш ва қазиб чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 январдаги ПҚ–567-сон қарори билан маъқулланган 2007 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси ва «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича маҳсулот тақсимотига оид битим, шунингдек унга иловалар ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар;

Инвестор — Гернси ороли (Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги) конун ҳужжатлари бўйича юридик шахс ҳисобланган «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компанияси («Soyuzneftegaz Vostok Limited»), шунингдек унинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарлари;

Оператор — Ўзбекистон Республикасида МТБ бўйича ишларни бажаришни ташкил этиш учун тузилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган «СНГ Гиссар Оперейтинг» МЧЖ компанияси («SNG Gissar Operating MChJ»), шунингдек унинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарлари;

Маркетинг компанияси — Инвестор ва Ваколатли органга тегишли Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотини биргаликда сотиш мақсадида Инвестор томонидан ташкил этилган ва Гернси ороли (Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги) конун ҳужжатлари бўйича юридик шахс ҳисобланган «СНГ Восток Маркетинг Лимитед» компанияси («SNG Vostok Marketing Limited»), шунингдек унинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарлари;

Ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларида геология-қидирув ишларини ўтказиш, углеводород конларини очиш ва қазиб чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 январдаги ПҚ–567-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси;

Инвесторнинг ваколатли шахси — Ўзбекистон Республикаси давлат органларида Инвестор манфатларини МТБ доирасида ҳимоя қилувчи Инвестор томонидан тегишли тартибда ваколат берилган юридик ёки жисмоний шахс, шу жумладан Оператор ва Маркетинг компанияси;

Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси — Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган, Маркетинг компанияси манфаатларини МТБ доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат органларида ҳимоя қилувчи, Маркетинг компанияси томонидан тегишли тартибда ваколат берилган юридик ёки жисмоний шахс;

ЎЗР ДБК — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

ДБКБ — Инвестор ва Пудратчилар томонидан олиб киритилаётган товарларни, шунингдек МТБга мувофиқ олиб чиқиладиган Углеводородлар, табиий газ ва Нефтгаз маҳсулоти устидан божхона назоратини амалга оширувчи ЎЗР ДБКнинг тегишли ҳудудий божхона бошқармаси;

Пудратчи — Инвестор ва/ёки Оператор, ва/ёки Маркетинг компанияси МТБ бўйича нефтгаз операциялари билан боғлиқ товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс. Ушбу атама МТБ бўйича нефтгаз операциялари билан боғлиқ товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар

кўрсатиш бўйича Пудратчи ёки унинг иккиламчи пудратчилари билан шартнома тузган иккиламчи пудратчилар ҳам киради;

товарлар — МТБ ва нефтгаз конларини қидирув ва очиш, инфратузилмаларни қуриш бўйича комплекс ишларни бажариш учун Инвестор ва/ёки Оператор ва Пудратчилар ўртасида тузилган контрактлар асосида Инвестор ва/ёки Оператор ва Пудратчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай кўчар мулк, шу жумладан харажат қилинадиган товарлар ва қайтариладиган товарлар ва Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар билан боғлиқ бошқа ишлар, шунингдек, МТБ доирасида экспорт қилиш мақсадида Маркетинг компанияси ва/ёки Инвестор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган Углеводородлар, табиий газ и Нефтгаз маҳсулотли;

харажат қилинадиган товарлар — Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди, шу жумладан эркин муомалага чиқариш божхона режимига олиб кириладиган материаллар, ускуналар, асбоблар, жиҳозлар ва қисмлар, ЁММ (ёқилғи-мойлаш материаллари), транспорт воситалари ва бошқа кўчар мулк, шунингдек МТБ бўйича ишларни олиб бориш жараёнида ишлатиладиган техник-материал ресурслар, лойиҳа ва техник ҳужжатлар;

қайтариладиган товарлар — кейинчалик Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига вақтинчалик олиб кириш божхона режими остида олиб ўтилаётган материаллар, ускуналар, асбоблар, жиҳозлар ва қисмлар, транспорт воситалари ва бошқа кўчар мулк, лойиҳа ва техник ҳужжатлар;

Углеводородлар — нефт, табиий газ, газ конденсати, шунингдек бошқа углеводород маҳсулотлари ва/ёки юқорида кўрсатилган моддалардан ҳар бирининг контекстга кўра алоҳида умумлаштирилган номи;

Нефтгаз маҳсулотли — МТБни бажариш жараёнида нефт, табиий газ, газ конденсати, шунингдек бошқа углеводород маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар, жумладан:

бензин;

дизел ёқилғиси;

саноат мойлари;

мазут;

суюлтирилган газ;

техник керосин;

газни чуқур қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар;

Углеводородларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган бошқа маҳсулотлар.

Бошқарув қўмитаси — МТБ доирасида ишларни бажариш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи ва МТБда санаб ўтилган функцияларга мувофиқ МТБни бажариш билан боғлиқ мажбурий қарорларни қабул қилувчи, Инвестор ва Ваколатли орган вакилларида иборат таркибда доимий иш юритувчи орган. Бошқарув қўмитаси ҳар календарь чорак мобайнида камида 1 (бир) марта ўз йиғилишини ўтказди;

бошқарув қўмитасининг ҳужжатлари — ушбу Қоидалар мақсадида Инвестор ва Ваколатли орган томонидан МТБни бажариш жараёнида олинган ва Бошқарув қўмитаси йиғилишларида унинг аъзолари томонидан тасдиқланган Углеводородлар, табиий газ ва Нефтгаз маҳсулотининг тақсимоли билан боғлиқ ҳужжатлар тушунилади;

углеводородларни қазиб олиш далолатномаси — ушбу Қоидалар мақсадида, қазиб олиш ҳажмларини тасдиқлаш мақсадида Инвестор ва Ваколатли орган

томонидан имзоланадиган Углеводородларни қазиб олиш далолатномаси тушунилади. Углеводородларни қазиб олиш далолатномаси Бошқарув қўмитаси томонидан Бошқарув қўмитаси йиғилишларида тасдиқланади ва Бошқарув қўмитасининг ҳужжатлари таркибига киритилади;

углеводородларни қайта ишлаш далолатномаси — ушбу Қоидалар мақсадида Инвестор, Ваколатли орган ва нефтни қайта ишлаш ёки газни қайта ишлаш корхонаси ваколатли вакили томонидан имзоланадиган Углеводородларни қайта ишлаш далолатномаси тушунилади. Углеводородларни қайта ишлаш далолатномаси Бошқарув қўмитаси томонидан Бошқарув қўмитаси йиғилишларида тасдиқланади ва Бошқарув қўмитасининг ҳужжатлари таркибига киритилади.

2. Инвестор ва Ваколатли органга тегишли бўлган Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотининг экспорти МТБнинг 13-моддаси қоидаларига мувофиқ Маркетинг компанияси томонидан экспорт битимларини ваколатли органларда рўйхатдан ўтказмаган ва ваколатли банк томонидан бериладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим қилмаган ҳолда амалга оширилади. Экспорт қилиш учун асос бўлиб МТБ, Бошқарув қўмитасининг ҳужжатлари, Углеводородларни қазиб олиш далолатномаси ва зарур бўлган ҳолларда, Углеводородларни қайта ишлаш далолатномаси ҳисобланади.

Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотини экспортга мўлжалланаётган жўнатиш тўғрисида Маркетинг компанияси тегишли ҳужжатларни (МТБ, Бошқарув қўмитасининг ҳужжатлари, Углеводородларни қазиб олиш далолатномаси ва зарур бўлган ҳолларда Углеводородларни қайта ишлаш далолатномаси) тақдим қилган ҳолда, ҳудудида божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган ДБКБни ёзма равишда хабардор қилади.

3. Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотининг Инвесторга тегишли бўлган улушининг экспорти МТБда назарда тутилган ҳолларда, Инвестор томонидан, МТБ қоидаларига мувофиқ Маркетинг компанияси томонидан амалга ошириладиган Инвестор ва Ваколатли органнинг Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотининг биргаликдаги экспорти учун белгиланган шартлар асосида амалга оширилади.

Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотининг Ваколатли органга тегишли бўлган улушининг экспорти МТБда назарда тутилган ҳолларда Ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Белгиланган тартибда Оператор томонидан тузилган товарларни етказиб бериш контрактлари, ваколатли банкда ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

5. Инвестор билан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тузилган товарларни етказиб бериш контрактлари ваколатли банкда ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ҳисобга қўйилмайди.

6. Давлат томонидан тартибга солинадиган ва олиб киришда давлат органлари рухсатномаларини талаб этувчи товарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва МТБ қоидаларида белгиланган тартибда ва шартларда олиб кирилади.

7. Инвестор ва/ёки Оператор ва уларнинг Пудратчилари томонидан олиб кириладиган товарлар, шунингдек олиб чиқиладиган қайтариладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви МТБнинг 19.1 ва 19.5-моддаларига мувофиқ қўйидаги хусусиятлардан келиб чиқиб, божлар, солиқ ва йиғимлар (божхона расмийлаштируви учун олинадиган йиғимдан ташқари) ундирилмаган ҳолда амалга оширилади:

а) Инвестор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ҳисоби ЎЗР ДБК томонидан Инвесторга берилган 00000014 кодига асосан юритилади;

б) Оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқ Операторга берилган Операторнинг КТУТ кодига асосан юритилади;

в) Пудратчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ҳисоби Инвестор ва/ёки Оператор ва Пудратчи ўртасида тузилган контрактларга мувофиқ ЎЗР ДБК томонидан Пудратчига берилган кодга асосан юритилади.

Инвестор ва/ёки Оператор ва уларнинг Пудратчилари томонидан олиб кириладиган товарларнинг, шунингдек қайтариладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви чоғида берилган имтиёзлар ҳисобини юритиш учун, БЮД божхона тўловлари ҳисобга олинган ҳолда тўлдирилади.

8. Оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга нисбатан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун Инвестор ва/ёки Оператор жавобгар бўлади.

9. Пудратчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга нисбатан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун Инвестор ва/ёки Оператор ва Пудратчи ўртасида тузилган контрактлар шартларига мувофиқ, Пудратчи жавобгар бўлади.

10. Олиб чиқиладиган Углеводородлар ва Нефтьгаз маҳсулотининг божхона расмийлаштируви божхона тўловлари олинмаган ҳолда амалга оширилади (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно). Экспорт қилинадиган Углеводородлар ва Нефтьгаз маҳсулотига нисбатан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун Инвестор ва/ёки Маркетинг компанияси жавобгар бўлади.

11. Оператор нефтьгаз операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори ва «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низом»га (2004 йил 27 февраль, рўйхат рақами 1318 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон, 103-модда) мувофиқ божхона омборини ташкил этишга ҳақли.

12. Оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида олинган ва ушбу ҳудуддан ташқарига олиб чиқилмасдан фойдаланишга мўлжалланган товарларга нисбатан божхона расмийлаштируви амалга оширилмайди.

13. Углеводородлар ва Нефтьгаз маҳсулотининг мувофиқлик сертификатлари, шунингдек келиб чиқиш сертификатлари, ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотга сертификатлар ва Углеводородлар ва Нефтьгаз маҳсулотини экспорт қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай сертификатлар, сертификатлаш бўйича ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

14. Инвестор, Оператор ва Маркетинг компанияси МТБда назарда тутилган божхона имтиёзлари ва преференцияларидан фойдаланади.

II. Қайтариладиган товарларни олиб кириш ва уларни тасарруф этиш

15. Қайтариладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги 399-сон қарори ва «Вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низом» (2004 йил 14 октябрь, рўйхат рақами 1418 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 444-модда) асосида Инвес-

тор ва/ёки Оператор ёки Пудратчининг аризасига мувофиқ вақтинча олиб кириш божхона режимида амалга оширилади.

16. Қайтариладиган товарлар вақтинчалик олиб кириш божхона режими остига Инвестор ва/ёки Оператор ёхуд Пудратчи томонидан олиб кириш мақсадларига кўра кўрсатилган муддатга мувофиқ қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда БЮД тўлдирилиб жойлаштирилади:

а) 24-устуннинг чап кичик бўлимида битимнинг коди «79» кўрсатилади;

б) 44-устуннинг 3-бандида — МТБнинг рақами ва санаси, Инвестор ва/ёки Оператор томонидан олиб кириладиган қайтариладиган товарларга нисбатан Инвестор ва/ёки Оператор хатининг рақами ва санаси, ёхуд Пудратчилар томонидан олиб кириладиган қайтариладиган товарларга нисбатан Пудратчиларнинг хатлари ва тегишли контрактларининг рақамлари ва саналари;

в) 37-устундаги охириги иккита рақами — декларация қилинадиган товарларни олиб ўтиш хусусиятининг коди, «44» қўйилади.

17. Инвестор ва/ёки Оператор ёхуд Пудратчи вақтинчалик олиб кириш охириги муддати тугагунига қадар қайтариладиган товарларни қуйидаги усуллар орқали тасарруф этиши керак:

а) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан реэкспорт режимида олиб чиқиши;

б) белгиланган вақтинчалик олиб кириш муддати тугашидан камида ўттиз (30) кун олдин тегишли ДБҚБга ёзма мурожаатнома асосида уларни вақтинчалик олиб кириш муддатларини узайтириши;

в) қонун ҳужжатлари ва МТБда белгиланган тартибда эркин муомалага чиқариш режимига ёки бошқа режимга жойлаштириш тўғрисида мурожаат қилиши.

18. МТБнинг тўлиқ амал қилиш муддати давомида қайтариладиган товарларнинг вақтинчалик олиб кириш муддатини БЮДда кўрсатилган дастлабки муддатидан кўпроқ муддатга узайтириш ЎЗР ДБҚ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги 399-сон қарори ва «Вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низом»га (2004 йил 14 октябрь, рўйхат рақами 1418 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 444-модда) мувофиқ амалга оширилади.

19. Қайтариладиган товарлар қайта олиб чиқишлигининг божхона расмийлаштируви, расмийлаштирув вақтида улар жойлашган ҳудуддаги тегишли ДБҚБ томонидан, қайтариладиган товарлар олиб кириладиганида назоратга қўйган ДБҚБ билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

III. Харажат қилинадиган товарларни олиб кириш ва уларни тасарруф қилиш

20. Харажат қилинадиган товарлар БЮД тўлдирган ҳолда, эркин муомалага чиқариш божхона режимига қуйидаги хусусиятларни инобатга олиб жойлаштирилади:

а) 24-устуннинг чап кичик бўлимида битимнинг коди «79» кўрсатилади;

б) 37-устунда охириги иккита рақам — декларация қилинадиган олиб ўтиладиган товарларнинг коди, «44» қўйилсин;

в) 44-устуннинг 3-бандида — МТБнинг рақами ва санаси, Инвестор ва/ёки Оператор томонидан олиб кириладиган харажат қилинадиган товарларга нисбатан Инвестор ва/ёки Оператор хатининг рақами ва санаси, ёхуд Пудратчилар томони-

дан олиб кириладиган харажат қилинадиган товарларга нисбатан Пудратчиларнинг хатлар ва тегишли контрактларининг рақамлари ва саналари;

г) «С» устунининг 1-бандида — МТБнинг рўйхат рақами ва унинг ЎЗР ДБҚда ҳисобга олинган санаси.

21. Инвестор ва/ёки Оператор ёхуд Пудратчининг хатига асосан тегишли ДБҚБнинг рухсати билан, харажат қилинадиган товарлар, улар Инвестор ва/ёки Оператор ёхуд Пудратчининг омборларида ва Инвестор ва/ёки Оператор ёхуд Пудратчи томонидан белгиланган бошқа жойларда сақланилган ҳолда, вақтинчалик олиб кириш божхона режимига жойлаштирилиши мумкин. Тегишли ДБҚБси вақтинчалик олиб кириш божхона режимда турган харажат қилинадиган товарлар устидан назоратни амалга оширади.

22. Божхона расмийлаштируви мақсадида сертификацияланиши мажбурий бўлган харажат қилинадиган товарларни сертификациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 315-модда) ва «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификацияланиши мажбурий бўлган товарларни (маҳсулотларни) олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»да (2000 йил 26 февраль, рўйхат рақами 901 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 33-сон, 376-модда) белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Эркин муомалага чиқариш режимига жойлаштирилган харажат қилинадиган товарлар, Инвестор ва/ёки Оператор ёхуд Пудратчининг аризасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига реэкспорт режимда «Божхона реэкспорт режими тўғрисидаги низом»нинг (2002 йил 12 май, рўйхат рақами 1134) тартиб ва шартларига амал қилган ҳолда олиб чиқилиши мумкин.

IV. Углеводородларнинг олиб чиқилиши

24. Углеводородларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқилиши Инвестор ва Ваколатли органнинг номидан ва унинг топшириги бўйича Маркетинг компанияси томонидан экспорт божхона режимда амалга оширилади.

25. Экспорт қилинадиган Углеводородларнинг божхона расмийлаштируви Маркетинг компанияси ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси томонидан, франко-ташувчи FCA (Инкотермс-2000) шартлари бўйича аниқланадиган ҳажм ва нархда амалга оширилади.

26. Жарқудук қўйма терминалининг эксплуатацияга туширилишига қадар, МТБ доирасида қазиб олиш ва тайёрлаш жараёнида олинган ва экспорт мақсадлари учун мўлжалланган, табиий газдан ташқари Углеводородларнинг божхона расмийлаштируви, Ўзбекистон темир йўлларининг Шўртан темирйўл бекати FCA шартлари асосида амалга оширилади.

27. Жарқудук қўйма терминали эксплуатацияга туширилгандан сўнг, МТБ доирасида қазиб олиш ва тайёрлаш жараёнида олинган ва экспорт мақсадлари учун мўлжалланган, табиий газдан ташқари Углеводородларнинг божхона расмийлаштируви Ўзбекистон темир йўлларининг Деҳқонобод темирйўл бекати FCA шартлари асосида амалга оширилади.

Бунда БЮДда қўйидагилар кўрсатилади:

а) 2, 9 ва 28-устунларда — Инвесторнинг ёки Инвесторнинг ваколатли шахсининг тегишли реквизитлари;

б) 8-устунда — Инвестор томонидан кўрсатилган, қабул қилувчининг реквизитлари;

в) 24-устунда — битимнинг коди «79»;

г) 37-устуннинг учинчи қисмида — товарлар олиб ўтилиши хусусиятининг коди «33»;

д) 44-устуннинг 3-бандида олиб чиқиш учун асос сифатида, МТБ ва Углеводородларни казиб олиш далолатномаси кўрсатилади.

28. Экспорт қилинаётган табиий газнинг божхона расмийлаштируви Маркетинг компанияси ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси томонидан амалга оширилади. Экспорт қилинаётган табиий газнинг ҳажми ва нархи МТБ қоидаларига мувофиқ DAF — Ўзбекистон Республикаси чегараси шартлари (Инкотермс-2000) асосида, МТБ доирасида етказиб берилаётган табиий газ Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикаси билан чегарани кесиб ўтадиган Ўрта Осиё — Марказ ёки Бухоро — Урал газ қувурлари тизимининг газни ҳисобга олиш тижорат ўлчов тармоғида белгиланади.

29. Мазкур Қоидаларнинг 26 — 28-бандларида кўрсатиб ўтилган Углеводородларнинг божхона расмийлаштируви шартлари Маркетинг компанияси томонидан тузилган контрактларига мувофиқ аниқлаштирилиши мумкин.

30. Экспорт қилинаётган табиий газга, Инвесторнинг ваколатли шахсининг аризасига кўра, тегишли давлат органи томонидан белгиланган тартибда «Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га (2000 йил 13 июль, рўйхат рақами 945 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й. 13-сон) мувофиқ товарларнинг келиб чиқиши сертификатлари берилади.

31. Қувур тармоқлари транспорти орқали олиб ўтиладиган табиий газнинг божхона декларацияланиши ва расмийлаштируви икки босқичда амалга оширилади.

32. Биринчи босқичда: ҳар ой, табиий газнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиладиган ойдан олдинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай, Маркетинг компанияси ва/ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси божхона органига ҳисобот ойида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши режалаштирилаётган табиий газнинг ҳажмига вақтинчалик (тўлиқсиз) божхона юк декларациясини (бундан кейин матнда ВБЮД деб юритилади) ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) МТБнинг нусхаси (фақат биринчи марта расмийлаштирилаётганда тақдим этилади);

б) табиий газни етказиб бериш контракти;

в) божхона расмийлаштируви учун йиғимлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши режалаштирилаётган табиий газ ҳажмига инвойс (ҳисоб-фактура);

д) ҳисобот ойида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши режалаштирилаётган табиий газнинг бориш мамлакати, оғирлиги, миқдори ва баҳоси тўғрисидаги маълумотлар билан Инвесторнинг ҳисоб-китоб ҳужжати.

33. Табиий газнинг экспорти учун ВБЮД «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) мувофиқ қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

а) 2, 9 ва 28-устунларда — Инвесторнинг ёки Инвесторнинг ваколатли шахси реквизитлари кўрсатилади;

б) 1-устуннинг учинчи кичик бўлимида «Декларация тури»да «ВД» — вақтинчалик (тўлиқсиз) божхона юк декларацияси ҳарfli индекси кўрсатилади;

в) 29-устун «Чегарадаги божхона»да Ўрта Осиё — Марказ ёки Бухоро — Урал газ қувурлари тизимининг газни ҳисобга олиш ўлчов тармоғини назорат қилувчи божхона постининг номи ва коди кўрсатилади;

г) 31-устун «Юк жойлари ва товарларнинг баёни»да:

табiiй газнинг етказиб берилиш календарь оyi ва йили кўрсатилиб, «_____ муддатда етказиб бериш» ёзуви киритилади;

табiiй газнинг кўрсатилган муддатда олиб чиқилиши мўлжалланаётганлигидан келиб чиқиб, унинг тахминий ҳажмлари кўрсатилади;

д) 45-устун «Божхона баҳоси»да ташқи иқтисодий шартномага асосан божхона чегараси орқали олиб ўтилиши мўлжалланаётган табiiй газнинг ҳажмига мувофиқ аниқланадиган шартли божхона баҳоси маълум қилинади;

е) ВБЮДда кўрсатилиши лозим бўлган бошқа маълумотлар, табiiй газнинг мўлжалланаётган ҳажмини ҳисобга олган ҳолда тахминий кўрсатилади.

Тўлиқ БЮДни расмийлаштиришда тақдим этиладиган ҳужжатларни талаб этадиган ВБЮДнинг устунлари тўлдирилмайди.

34. ВБЮД ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштируви расмийлаштирадиган божхона пости томонидан, БЮДни тақдим этиш орқали декларация қилинаётган товарларга нисбатан қўлланиладиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

35. Тўлиқ БЮДнинг тақдим этиш муддати ВБЮДда кўрсатилган ҳисоб-китоб даври тугашидан икки ойдан ошиб кетмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда (тўлиқ БЮДни тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тақдим этилиши асосланган сабабларга кўра кечикиши), БЮДни тақдим этиш муддати расмийлаштирадиган божхона пости бошлиғининг рухсати билан 30 кунгача узайтирилиши мумкин. Бунда Маркетинг компанияси ва/ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси расмийлаштирадиган божхона постига тўлиқ БЮДни тақдим этиш имкони мавжуд эмаслигининг сабабларини кўрсатган ҳолда, ёзма равишда мурожаат қилади.

36. Иккинчи босқичда, божхона органи томонидан ВБЮД қабул қилинадиган кунида амал қилган Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ, тўлиқ БЮДнинг расмийлаштирилиши амалга оширилади.

БЮД билан бир вақтда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) ВБЮД;

б) Бошқарув қўмитасининг ҳужжати;

в) Ўзбекистон Республикасининг газ-транспорт компанияси ва Инвестор ва/ёки Инвесторнинг ваколатли шахси томонидан имзоланган, табiiй газни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасигача етказиб бериш учун магистрал қувурга топшириш-қабул қилиш тижорат далолатномаси;

г) Ўзбекистон Республикасининг газ-транспорт компанияси ва Қозоғистон Республикасининг газ-транспорт компанияси томонидан имзоланган, табiiй газни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасида топшириш-қабул қилиш техник далолатномаси, ёхуд Инвестор ва/ёки Инвесторнинг ваколатли шахси ва сотиб олувчи томонидан имзоланган, Инвестор табiiй газини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасида топшириш-қабул қилиш тижорат далолатномаси;

д) ҳисобот оyiда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали амалда олиб ўтилган табiiй газнинг ҳажми инвойси (ҳисоб-фактура);

е) Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали амалда олиб ўтилган табiiй газнинг тайин этилган мамлакати, огирлиги, миқдори ва баҳосининг маълумотлари тўғрисидаги Инвесторнинг ҳужжати.

37. ВБЮДга берилган маълумот рақами БЮДга ҳам берилади, бунда улар бир-бирининг ажралмас қисми ҳисобланади.

38. ВБЮДда декларация қилинган табиий газнинг ҳажми углеводородларни қазиб олиш далолатномасида кўрсатилган ҳажм ўртасида тафовут аниқланса, тегишли ВБЮДга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартишлар киритилади.

39. БЮД «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) мувофиқ, ВБЮД тўлдирилишини ва қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

а) 40-устунда «Умумий декларация/аввалги ҳужжат» ВБЮДнинг маълумот рақами кўрсатилади;

б) Д-устунида «Божхона назорати» божхона органи ходими қўшимча равишда табиий газнинг етказиб берилган ойнинг охири санасини қўяди, уни имзолайди, шахсий рақамли муҳри билан тасдиқлайди ва тўлиқ БЮДнинг электрон нусхасига киритади.

V. Нефтгаз маҳсулотини қайта ишлаш ва олиб чиқиш

40. Нефтгаз операцияларини амалга ошириш давомида олинган Углеводородларни қайта ишлаш МТБ шартларига мувофиқ, қайта ишлаш корхоналарида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиладиган Нефтгаз маҳсулоти Маркетинг компанияси ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси томонидан божхона экспорт режимида Инвестор ва Ваколатли органнинг номидан ва топшириғига биноан расмийлаштирилади.

41. Экспорт қилинадиган Нефтгаз маҳсулотининг божхона расмийлаштируви Маркетинг компанияси ёки Маркетинг компаниясининг ваколатли шахси томонидан, Маркетинг компанияси томонидан франко-ташувчи FCA (Инкотермс-2000) шартларига асосан тақдим этиладиган баҳо ва нарх тўғрисидаги маълумотлар ва қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

а) Шуртан газкимё комплексида табиий газни қайта ишлаш жараёнида олинган Нефтгаз маҳсулоти Ўзбекистон темир йўллари Шўртан темирйўл бекати FCA шартлари асосида расмийлаштирилади;

б) Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида олинган нефтгаз маҳсулоти, Ўзбекистон темир йўллари Қоровулбозор темир йўл бекати FCA шартлари асосида расмийлаштирилади;

в) Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида олинган нефтгаз маҳсулоти Ўзбекистон темир йўллари Охунбобоев темир йўл бекати FCA шартлари асосида расмийлаштирилади;

г) Инвестор томонидан Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида олинган Нефтгаз маҳсулоти, Ўзбекистон темир йўллари Олтиариқ темир йўл бекати FCA шартлари асосида расмийлаштирилади.

Бунда БЮДда қуйидагилар кўрсатилади:

2, 9 ва 28-устунларда — Инвестор ёки Инвесторнинг ваколатли шахсининг тегишли реквизитлари;

8-устунда — Инвестор томонидан кўрсатилган, қабул қилувчининг реквизитлари;

24-устунда — битимнинг коди «79»;

37-устуннинг учинчи қисмида — товарларни олиб ўтиш хусусиятининг коди «33»;

44-устуннинг 3-бандида Нефтгаз маҳсулотини олиб чиқиш учун асос сифатида МТБ ва Углеводородларнинг қазиб олиниш далолатномаси кўрсатилади.

42. Мазкур Қоидаларнинг 41-бандида кўрсатилган, Нефтгаз маҳсулотининг божхона расмийлаштируви шартлари Маркетинг компанияси томонидан тузилган контрактларга мувофиқ аниқлаштирилиши мумкин.

VI. Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотини Ўзбекистонда сотиш

43. Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳаллий бозорда сотилаётганда, Маркетинг компанияси Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотининг божхона расмийлаштирувини мазкур Қоидаларга мувофиқ, аввал экспорт божхона режимида Инвестор номидан ўзининг номига, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарисига амалда олиб чиқмаган ҳолда, кейинчалик божхона реимпорт режимида Маркетинг компанияси номидан Ўзбекистондаги сотиб олувчининг номига амалга оширади. Бунда, транспорт харажатларининг мавжуд бўлмаганлиги сабабли, БЮДнинг 20-устунида EXW (Инкотермс-2000) етказиб бериш шартлари кўрсатилади. Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотини экспорт божхона режимида божхона расмийлаштируви учун асос сифатида МТБ ва Бошқарув қўмитасининг ҳужжатлари кўрсатилади.

44. Юқорида кўрсатилган Нефтгаз маҳсулотини экспорт ва реимпорт қилиш бўйича операциялар барча божхона тўловларидан (божхона божлари, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи ҳам киради) озод этилган ҳолда амалга оширилади, божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно.

VII. Ваколатли орган томонидан Инвесторга тегишли бўлган Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотининг қисмини сотиб олиш

45. Ваколатли орган Инвесторга тегишли Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотининг қисмини керакли ҳажмларда МТБда белгиланган шартларда АҚШ долларида тўловни амалга ошириш орқали сотиб олиш ҳуқуқига эга.

46. Ваколатли орган томонидан сотиб олинаётган Углеводородлар ва Нефтгаз маҳсулотининг ҳажми, шунингдек уларнинг нархи МТБ шартларига мувофиқ Ваколатли орган ва Инвестор ўртасидаги ташқи савдо контрактлари (шартномалари) билан белгиланади.

47. Ваколатли орган томонидан сотиб олинаётган Инвесторнинг Углеводородлари ва Нефтгаз маҳсулотининг божхона расмийлаштируви мазкур Қоидаларга мувофиқ аввало божхона экспорт режимида, кейин эса Ваколатли органнинг номига божхона реимпорт режимида амалга оширилади. Бунда, транспорт харажатларининг мавжуд бўлмаганлиги сабабли, БЮДнинг 20-устунида EXW (Инкотермс-2000) етказиб бериш шартлари кўрсатилади.

VIII. Инвестор, Оператор ва Пудратчиларнинг мажбуриятлари

48. Инвестор ва/ёки Операторнинг мажбуриятлари:

1) божхона органига олиб кирилаётган/олиб чиқилаётган товарларни кўрсатиш ва божхона органига уларни тегишли божхона режимида расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

2) божхона расмийлаштируви учун қонун ҳужжатларида белгиланган йиғимларни тўлаш;

3) қайтариладиган товарлар кейинчалик бошқа шахсларга бериладиган ҳолда, қайтариладиган товарларни эркин муомалага чиқариш режимида расмийлаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона тўловларни тўлаш;

4) вақтинчалик олиб кириш муддатлари тугаганида қайтариладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ёки уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа божхона режимида қайта расмийлаштириш.

49. Товарлар Пудратчи томонидан олиб кирилатганда, Пудратчи мазкур Қоидаларнинг 48-бандида назарда тутилган мажбуриятларни Инвестор ва/ёки Оператор ва Пудратчи ўртасида тузилган контрактлар шартларига мувофиқ бажаради.

50. Мазкур Қоидаларнинг 48-бандида назарда тутилган мажбуриятлар, тузилган шартномаларга мувофиқ, Инвестор, Оператор ёки Пудратчилар томонидан ваколат берилган шахслар томонидан бажарилиши мумкин.

IX. Якуний қоидалар

51. Зарур ҳолларда Оператор Инвесторнинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикасидан ташқарига лойиха, техник, ҳисобот ҳужжатларини, ишлов бериш, анализ қилиш ва ўрганишни амалга ошириш мақсадида геолог-геофизик материалларни, геологик зотлар ва пластик флюидларнинг намуна ва нусхаларини МТБ шартларига мувофиқ, тегишли ДБҚБга ёзма мурожаат қилиш орқали олиб чиқади.

52. Оператор, Инвесторнинг топшириғига биноан, ёзувларнинг асл нусхалари ва бошқа маълумотларга ишлов бериш, анализ ва ўрганишни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиши мумкин. Инвестор ва/ёки Оператор МТБ шартларига мувофиқ, кўрсатилган олиб чиқилган ёзувлар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиши керак.

53. Инвестор, Оператор, Маркетинг компанияси ва Пудратчиларнинг чет эллик ходимларига, МТБда кўрсатилган барча имтиёзлар ва преференциялар қўлланади.

54. Олиб кирилган товарларнинг белгиланмаган мақсадда ишлатилиши, шунингдек уларни бошқа шахсларга бериш ҳолларида, ДБҚБ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат бюджетига тўланиши керак бўлган барча божхона тўловларини белгиланган тартибда ундиради.

55. Мазкур Қоидалар Ваколатли орган ва Инвестор билан келишилган.

**«Ўзбекнефтогаз» Миллий холдинг
компанияси раиси**

Н. АХМЕДОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 10 март

**«Союзнефтегаз Восток Лимитед»
Компанияси Президенти**

Н. КЛИНЧЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 10 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

167 Биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
14 апрелда 1241-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 24 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги «Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги 66-сонли қарори билан тасдиқланган Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 5 мартдаги 01/НИ-235-сонли қарори билан тасдиқланган «Биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисида»ги низомга (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1241) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

**Давлат мулкани бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 7 март,
01/19-18/07-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

168 Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёж-
лари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиш-
тириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредит-
лаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
14 апрелда 1675-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 24 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида **қарор
қиламиз:**

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилина-
диган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кре-
дитлаш тартиби тўғрисидаги низом (янги таҳрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 3 августдаги «Қиш-
лоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта
ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тар-
тиби тўғрисидаги низомни (янги таҳрирда) тасдиқлаш тўғрисида»ги 71-сонли ва
266-В-сонли (2005 йил 11 август, рўйхат рақами 1508-сон — Ўзбекистон Респуб-
ликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 32-33-сон, 262-модда) қарори ўз
кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган
кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2007 йил 13 март,
30-сон

Р. АЗИМОВ

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 13 март,
288-В-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Молия вазирлиги ва Марказий банк
Бошқарувининг 2007 йил 13 мартдаги
30, 288-В-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун
харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини
тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрирда)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадлари учун кредитлар бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Тижорат банклари томонидан ушбу кредитлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик ҳамда мақсадли фойдаланиш шартларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларида берилади.

2. Ушбу Низом асосида кредитлаш давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги корхоналарига татбиқ этилади.

3. Кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 60 фоизигача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) миқдорида берилади.

Бунда, кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда ажратилади:

пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар пахта хом ашёси қийматининг 10 фоизигача, 1 апрелига қадар 25 фоизгача, 1 июлга қадар 50 фоизгача ва 1 сентябрга қадар 60 фоизгача;

ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар ғалла қийматининг 35 фоизгача, 1 апрелга қадар 50 фоизгача ва 1 июнга қадар 60 фоизгача.

Ҳар ой ва чорақларда ажратиладиган кредит ресурслари миқдори Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

4. Кредит миқдори қишлоқ хўжалиги корхонасининг «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» АК корхоналари (бундан кейинги матнларда — тайёрлов корхоналари) билан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот учун тузилган контрактация шартномаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлари асос қилиб олинади. Янги харид нархлари тасдиқлангач, кредит миқдори кредит олувчининг талабига кўра қайта ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

5. Мазкур кредитлар фақат қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:
иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;

минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини харид қилиш учун;

ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун;

МТПлар, муқобил МТПлар ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловларга;

Лизингга (молиявий ижарага) берилган техника воситаларининг лизинг тўловларига;

СФУлар (сувдан фойдаланувчилар уюшмалари) хизматлари учун тўловларга; ягона ер солиғи тўловларига (муддати ўтган ер солиғи. Муддатли ер солиғи тўловлари қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланади).

Шунингдек, пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган хўжаликларнинг бошқа зарурий эҳтиёжлари, шу жумладан, суғурта мукофоти учун тўловлар амалга оширилиши мумкин.

6. Бунда, ушбу Низомнинг 5-бандида келтирилган экинларни етиштириш харажатларининг ҳар бир турини молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп миқдори юзасидан тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йилги ҳосил учун агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мазкур тавсия этилаётган харажатларнинг агротехника меъёрлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига бизнес-режа (иловага мувофиқ) ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда, кредит ресурсларини айрим мақсадларга сарфлашдан воз кечиш ҳуқуқига эга (минерал ўғит, кимёвий ёки биологик воситалар ва уруғлик материал харажатлари бундан мустасно).

Бунда, ишлатилмаган кредит ресурслари қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан тасдиқланган бизнес-режага мувофиқ ғалла ва пахта етиштириш билан боғлиқ бошқа рухсат этилган харажат турлари бўйича, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга ишлатилиши мумкин.

7. Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари билан якуний ҳисоб-китоблар якунлангунча, лекин ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 12 ойдан ва пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

8. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси билан амалга оширилади.

Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 3 фоиз миқдорида белгиланиб, унинг 2 фоизи банк маржасини ташкил этади.

9. Кредит қишлоқ хўжалиги корхонасига унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очган ва унга хизмат кўрсатаётган банк томонидан берилади. Ушбу кредитларни иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очилган банк томонидан берилишига рухсат берилмайди.

II. Кредитлар беришда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аризаларини кўриб чиқиш тартиби

10. Қишлоқ хўжалиги корхоналари тайёрлов корхоналари билан контрактация шартномалари тузганларидан кейин кредит олиш учун уларнинг асосий талаб

қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка ариза билан мурожаат этишади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари нусхалари;

кредитга бўлган талабни аниқлаш учун тайёрланган бизнес-режа;

дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл) ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл).

11. Кредитлар қайтишини таъминлаш мақсадида, банк давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича ўзининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиши мумкин. «Ўзагросуғурта» компаниясининг имтиёзли кредитларнинг қайтмаслиги хавфини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта бадаллари ҳажми олинаётган кредит суммасининг 0,75 фоизи миқдорида бўлади ва тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади. Бунда, «Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан суғурта полиси кредит шартномасида белгиланган кредитнинг бутун қайтариш муддатида берилади. «Ўзагросуғурта» ДАСК билан келишилган суғурта пули тақдим этилаётган кредит миқдоридан кўп бўлмаслиги зарур.

Тижорат банклари яхши молиявий ҳолатга эга бўлган, олдин олган кредитларини доимо ўз вақтида қайтариб келган қишлоқ хўжалиги корхоналарига мазкур кредитларни уларни қайтмаслик хатарини суғурталамаган ҳолда, яъни «Ўзагросуғурта» ДАСК суғурта полисини олмаган ҳолда бериш ҳуқуқига эгалар.

Тайёрлов корхоналари тижорат банклари томонидан пахта ва ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун берилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларнинг қарздор қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан муддатида қайтарилиши борасида кафиллик беришлари мумкин. Кафиллик қонунчилиқда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

12. Мазкур Низомнинг 10-бандида келтирилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, банк қишлоқ хўжалиги корхонасининг аризасини кўриб чиқиши ва 3 кун муддат ичида у билан кредит шартномаси тузиши лозим.

Банк кредит кўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, у раддияни ёзма шаклда изоҳлаб бериши шарт.

III. Кредитлаш, мониторинг ва кредитни сўндириш тартиби

13. Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қишлоқ хўжалиги корхонасига ссуда ҳисобварағи очилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ссуда ҳисобварағидан тўловлар ушбу Низомнинг 5 ва 6-бандларида кўрсатилган мақсадлар учун нақд пулсиз шаклда (иш ҳақидан ташқари) қишлоқ хўжалик корхоналарининг тўлов топшириқномаларига асосан амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадларга жорий йил ҳосили учун етказиб берилган моддий-техник ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун 2-карточкага кирим қилинган ва белгиланган тартибда қарз олувчи томонидан акцептланган тўлов талабномаларига мувофиқ тўловлар амалга оширилади.

Тўлов талабномалари қарз олувчи томонидан акцептланмаган тақдирда, тўловлар суд қарори асосида ундирилади.

Шунингдек, «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси, «Қишлоқхўжалик-

кимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва МТП (машина-трактор парклари) туман корхоналари ва ташкилотлари билан тузилган шартномаларда фермер хўжалигининг жорий ва келгуси ойда амалга ошириладиган агротехник тадбирларига қилинадиган харажатлар қиймати миқдорида (ўғитлаш, шудгорлаш) олдиндан тўловни амалга ошириш белгиланган тақдирда фермер хўжаликлари ушбу харажатлар суммасини тўлов топшириқномалари орқали олдиндан тўловларни ўтказишлари мумкин.

14. Бунда, тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ойлик иш ҳақи тўловлари учун агротехкарталарда белгиланган меъёрларда;
б) қишлоқ хўжалик корхоналарининг минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари, «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТП ларининг хизматлари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, фойдаланилган электроэнергия ва уруғлик материали қиймати учун тўловларда, маблағлар «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ филиаллари, «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТП лари, «Ўзнефтмахсулот» компанияси, «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари ҳамда тайёрлов корхоналарининг махсус 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;

в) муқобил МТПлар, СФУлар (судан фойдаланувчилар уюшмалари), бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳамда эҳтиёт қисмлар учун тўловларда, маблағлар ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади.

15. Банклар тўловларнинг ссуда ҳисобварағидан мазкур Низомнинг 5 ва 6-бандлардаги мақсадлар учун амалга оширилишини назорат қилади. Шунингдек, банклар «Ўзагросуғурта» ДАСК билан биргаликда суғурта шартномаси асосида ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича ғалла ва пахта экинларининг ҳолатини ва бўлажак ҳосилнинг берилган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш учун етарлигини аниқлаш мақсадида доимий мониторинг ўрнатадилар.

16. Экинлар (тўлиқ ёки қисман) мавжуд бўлмаган ёки улар ахволининг қониқарсизлиги, жумладан агротехник тадбирларнинг кечикиши, экин майдонларини бегона ўтлар босиб кетиши натижасида қутиладиган ҳосил олишнинг имкони йўқлиги аниқланганда, бу ҳақда банк ва «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари (Фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллиги) биргаликда уч томонлама далолатнома тузадилар. Ушбу далолатнома асосида банк кредитлашни тўхтатади ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин сўндириш чораларини кўради. Бу чоралар кредит шартномасида келишилган бўлиши керак.

Шу билан бир вақтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари томонидан ушбу далолатнома хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналарига етказилиши лозим.

17. Кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг махсус 23210 (23220) ҳисоб рақамларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан, биринчи навбатда банк томонидан мемориал ордерлар билан ундирилади.

Кредит шартномаси асосида берилган кредитларни қайтариш муддати етиб келганда, уларни ундириб олиш учун, қарздор — қишлоқ хўжалиги корхонасининг маблағи етарли бўлмаганда, тижорат банклари суғурта полиси асосида «Ўзагросуғурта» ДАСК бўлимларига суғурта ходисаси рўй берганлиги тўғрисида мурожаат қиладилар.

Суғурта товони, тижорат банклари ва «Ўзагросуғурта» ДАСК бўлимлари ўрта-

сида тузилган Бош полис асосида тижорат банкларига 5 кун муддатда тўлаб берилади.

Топширилган маҳсулот учун якуний ҳисоб-китобларда тайёрлов корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилган моддий бойликлар қиймати ва аввалги йиллар қарзларини чегириб қолишга йўл қўйилмайди. Ушбу моддий бойликлар учун ҳисоб-китоблар ва кредитор қарзларни ундириш ажратилган банк кредитлари тўлиқ қайтарилгач, қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳисоб рақамидан ўрнатилган тартибда тўлов ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

18. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоизлар кредитнинг амалдаги қолдиғига ҳар куни ҳисоблаб борилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан:

ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича йилнинг июль ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача;

пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача ундирилади.

Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтаришлари мумкин.

19. Ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши хизмат кўрсатувчи банк раҳбарлари зиммасига юклатилади. Шунингдек, ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланиш Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан текшириб борилади.

20. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагросуғурта» ДАСК ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

С. ИСМОИЛОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 12 март*

«Ўзагросуғурта» ДАСК раиси

Ш. НУРМАТОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 12 март*

*Ўзбекистон фермер хўжаликлари
уюшмаси раиси*

С. ҚОБИЛОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 12 март*

+

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтисоблари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижора банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги (янги тахрирдаги) қонунга

ИЛОВА

Қишлоқ хўжалик корхонаси (номи)нинг давлат эҳтисоблари учун пахта ва ғалла ишлаб чиқариш

НИНЭС РЕЖАСИ

Ассети ишлаб чиқариш харажатлари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари	Тўлиқ тапширқи	шў жумладан							(минг сўмда)	
		иш ҳақи	минерал ўғит ва қиёсий воситалар	уруғлик	ёқилғи	техника хизматлари	электр энергияси	бошқа харажатлар		
А	1	2	3	4	5	6	7	8		
Пахта										
Ғалла										
Жами										

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан олиннадиган молиявий натижа

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари	Экин майдони, тектари	Ҳосилдорлик, ц/га	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, тонна	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бўлиқ тапширқи	Олиннадиган даромад	Молиявий натижа (фойда/- зарар -)
А	1	2	3	4	5	6
Пахта						
Ғалла						
Жами						

Пахта ва ғалла етиштириш харажатларини ҳисоблашнинг учун йил давомида олиш мумкин бўлган кредит миқдорининг ҳисоб-китоби

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари	Жами харажатлар	Кредит ажратилиши																	
		шў жумладан			январ			феврал			март			апрел			май		
		ўз маблаг	кредит	жами харажатлар	шў жумладан	ўз маблаг	кредит	жами харажатлар	шў жумладан	ўз маблаг	кредит	жами харажатлар	шў жумладан	ўз маблаг	кредит	жами харажатлар	шў жумладан	ўз маблаг	кредит
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	
Пахта																			
Ғалла																			

жамии харажатлар	июн		июл		август		сентябр		октябр		ноябр		декабр							
	шў жумладан	ўз маблаг	жамии харажатлар	ўз маблаг	жамии харажатлар	ўз маблаг	жамии харажатлар	ўз маблаг	жамии харажатлар	ўз маблаг	жамии харажатлар	ўз маблаг	жамии харажатлар	ўз маблаг						
19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39

Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари		Кредит бўлиқлари	
Жами	нол	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50	51	52	53	54	55	56	57	58	59	60

Хўжалик раҳбари: имзо ўрни

Мухр ўрни

Хўжалик бош ҳисобчиси: имзо ўрни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ**169 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан
чиқариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
19 апрелда 376-1, 617-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 29 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2007 йил 9 февралдаги 43-сон буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори ва «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарорига асосан, **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 12 декабрда 376-сон билан ва 1999 йил 2 февралда 617-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Телекоммуникация операторлари тўғрисида Вактинчалик низом», «Идоравий телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари» давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мазкур ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Саттаров) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

Адлия вазири

Ф. ОТАХОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 апрель,
73-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 14 апрелдан 20 апрелгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 23 мартдаги М-25-сон буйруғи.*

2007 йил 14 апрелда 402-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 апрелдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2007 йил 16 мартдаги 01-02/20-9, ЭГ-01/10-1447, П-2-сон қарори.*

2007 йил 14 апрелда 1674-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 апрелдан кучга киради).

3. «Биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 7 мартдаги 01/19-18/07-сон қарори.*

2007 йил 14 апрелда 1241-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 апрелдан кучга киради).

4. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 13 мартдаги 30, 288-В-сон қарори.*

2007 йил 14 апрелда 1675-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «УзПЕК Лимитед» компанияси ва унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг

божхона расмийлаштируви қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестициялар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1057, 30.07.2001 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 14 апрелдаги 70-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида низом (янги таҳрир) *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1508, 11.08.2005 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 14 апрелдаги 72-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Телекоммуникация операторлари тўғрисида Вақтинчалик низом, Идоравий телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари. *Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 376, 12.12.1997 й, рўйхат рақами 617, 02.02.1999 й.).*

Адлия вазирининг 2007 йил 19 апрелдаги 73-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 19 апрелда 376-1, 617-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 апрелдан кучга киради).

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестрдан чиқарилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:

1. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғининг «Янгидан қурилган ва реконструкция қилинган объектларнинг электр энергия таъминоти лойиҳаларини «Ўздавэнергоназорат» инспекциясида экспертиза қилиш тартиби» 2006 йил 31 августдаги 139-сон буйруғи.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган норматив ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.